

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 154 (410), 2021 йил 31 июль, шанба



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!  
Қадри дўстлар!

Сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини мамлакатимизда биринчи бор нишонланаётган байрам — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан, самимий муоборақбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг қарорига мувофиқ, 30 июль — бутун дунёда Халқлар дўстлиги куни сифатида нишонланиб келади. Ўзбекистонда шу йил 10 февралда қабул қилинган қонунга асосан ушбу сана Халқлар дўстлиги куни деб белгиланди. Бу байрамнинг таъсис этилиши бутун республикамиз аҳолисининг айни кўнглидаги иш бўлди.

Бизнинг қадимий ва қутлуғ заминимиз кўп асрлар давомида Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро муносабатга киришган, нафақат савдо, балки гуманитар алоқалар амалга оширилган марказ бўлиб келган. Бу ерда ёнма-ён яшаган турли халқлар, маданият ва динлар вакилларининг айнан дўстлик, яхши кўнглилик муносабатлари минтақамизнинг маданий ривожини учун қудратли омил бўлган.

Чиндан ҳам, бизнинг ажодларимиз оғир замонларда авваллабор кўпмиллатли халқимизнинг бирлиги ва жипслиги, фидойилиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги таяниб, барча синов ва машаққатларни енгиб ўтган.

Ўзбекистон — улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз — турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир.

Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз

ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтирамиз.

Мустақил Ўзбекистонда миллатлар ва конфессиялараро тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушуниш, ёш авлодни бағрикенглик, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бирига айланди.

Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари, миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани муҳрлаб кўйилган. Уларга ўз маданияти, анъана ва урф-одатларини ривожлантириш учун барча шароитлар яратилган.

Кейинги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ўзининг сифати ва маъно-мазмунига кўра янги, янада юксак босқичга кўтарилди.

Бугун биз ўз олдимишга Янги Ўзбекистонни барпо этишдек буюк мақсадни кўйдик. Ҳеч шубҳасиз, бу борада жамиятимизда қарор топган дўстлик ва бирдамлик муҳити мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, ислохот ва янгиланишлар йўлидан изчил илгариллаб бориш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишнинг мустаҳкам асосидир.

Ҳурматли дўстлар!  
Сизларга маълумки, биз Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги давлат сиёсати концепциясини қабул қилдик. Бу ҳужжат ушбу йўналишдаги изчил ишларимизнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим ҳуқуқий пойдеворига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила бўлиб яшаётгани барчамизни қувонтиради. Улар барча

соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилиб, жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи ва гуллаб-яшнашига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Юртимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар ўз фаолиятини эркин амалга оширмоқда. Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштиришда 150 та миллий маданий марказ катта роль ўйнамоқда. Уларнинг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ушбу мақсадлар учун зарур маблағларни йўналтирмоқда, турли субсидия ва грантлар ажратилмоқда.

Тошкентда Дўстлик боғи ташкил этилмоқда. Пойтахтимиз ва ҳудудларимизда барпо этилган Дўстлик уйлари фуқароларимизни ўз бағрига қорлайдиган марказларга айланмоқда.

Давлат таълим муассасаларида ўқув ишлари 7 тилда олиб борилмоқда, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатув ва эшиттиришларини 12 тилда бериб бормоқда.

Биз сўнгги йилларда чет элларда истиқомат қилаётган ватандошларимиз билан алоқаларни кучайтиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Ушбу йўналишда чора-тадбирлар дастури амалга оширилмоқда.

Биз барчамиз мамлакатимизда яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, жумладан, миллий маданий марказларнинг раҳбарлари ва фаолларини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, Виктор Пак, Маргарита Филонович, Галина Мельникова, Владимир Бойко, Виктория Акилова, Раҳматулла Жабборов, Ришат Набиуллин, Гуландом Субҳонова, Ҳанифа

Солиҳова, Умризоқ Қувватов, Серикбай Усенов, Кайкеп Алиева, Темур Кападезе каби ёш авлодимизга ўрнак бўлиб келаётган таникли жамоат аربобларининг номларини алоҳида тилга олишни истардим.

Қутлуғ байрам — Халқлар дўстлиги куни арафасида турли миллатга мансуб фуқароларимиз юксак давлат мукофотлари билан тақдирландилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларни чин дилдан табриқлаб, барчасига чуқур миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ватандошлар!  
Бугунги мураккаб замонда дунёнинг турли минтақаларида миллатлар ва конфессиялар ўртасида кескинлик кучайиб бормоқда. Бундай таҳликали шароитда биз биринчи навбатда жамиятимиздаги тинчлик, барқарорлик ва фуқаролараро тотувликни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз, фарзандларимизни кўпмиллатли халқимизнинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятлари руҳида тарбиялашимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар, барчангизни яна бир бор Халқлар дўстлиги куни билан табриқлайман.

Ишончим комилки, ушбу байрам юрtdошларимиз қалбда мустаҳкам ўрин эгаллайди ва ҳаётимизда эзгу анъаналарга айланади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, ютуқ ва омад, оилаларингизга тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзгал ва бетакрор юртимизда доимо тинчлик ва осойишталик ҳужм сурсин, кўпмиллатли Ўзбекистон халқига бахту саодат ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
Ф А Р М О Н И

### ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини асраш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хослигини сақлаш ҳамда ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, хорижий мамлакатлар билан икки томонлама манфаатли муносабатлар ва маданий-маърифий алоқаларни янги босқичга кўтариш, давлатимизнинг тинчликсевар ва халқпарвар сиёсатини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилиш борасидаги катта хизматлари, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан**

**Джаббаров Раҳматулла Маматович** — Республика қирғиз миллий маданий маркази раиси

**Пак Виктор Николаевич** — Республика корейс миллий маданий маркази раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

**Юсупов Ғуламзакир Есенович** — “Нурлы жол” газетаси бош муҳаррири

**“Меҳнат шўхрати” ордени билан**

**Айтжанов Узакбай Ечанович** — Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ғўза селекцияси ва уруғчилиги бўлими мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

▶ Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

#### ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олиш имконияти кенг кўрилатилиши учун кенг имкониятлар тақдид этиш, тўлов-контракт асосида ўқитган ҳар бир талабга билим олиш учун қўлай шароитлар яратиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини янада рағбатлантириш ва ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча олий таълим ташкилотлари

бакалавриятнинг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилсин.

Белгилансинки: тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган ресурслар ҳисобидан таълим кредитларини **Марказий банкининг асосий ставкасида** ажратади;

▶ Давоми 2-бетда

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

#### КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОИЛАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандларини кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

ва уларнинг ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ—6260-сон Фармонида “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йилнинг август ойида аҳолининг қуйидаги

қатламларига 500 минг сўм миқдорда бир марталик моддий ёрдам (кейинги ўринларда — бир марталик моддий ёрдам) кўрсатилсин:

боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига; **ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган** болаларга.

▶ Давоми 2-бетда



30 ИЮЛЬ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ

### ФАРЗАНДИНГМИЗ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда жорий қилинган Халқлар дўстлиги куни кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизда кенг қамровда, юксак савияда, кўтаринки руҳда илк бор нишонланмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

#### МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЭВОЛЮЦИЯСИ: КЕЧА ВА БУГУН

(Қиёсларда кўринган ҳақиқат)

Бугун барчамиз замонавий Ўзбекистонни барпо этмоқдамиз. “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс” каби тушунчалар мамлакатимиз аҳолисининг келажаги, тақдири билан боғланмоқда. Юртимизда барча соҳаларда кечатган ислохотлар ўз натижаларини кўрсатгани сари фуқароларимизнинг ўзгаришларга ишончи тобора ортиб, бу жараёнлардаги иштироки ҳам кенгайиб бораётир.

Бу жиҳатлар халқаро экспертлар, мутахассислар, яқин ҳамкорларимиз, турлича назар билан бизни ўрганаётган халқаро илмий марказлар, мустақил тадқиқотчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Бугун Ўзбекистон жамиятида содир бўлаётган барча соҳалардаги туб ўзгаришларни кўрсаткич, сезмаслик мумкинми?

Бир танамизга ўйлаб кўрайлик-чи, мустақиллик йилларида, айниқса, сўнгги тўрт-беш йил ичида замонавий Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни, миллий юксалишни, одамларимиз онгу тафаккуридаги эврилишларни қандай англамаслик мумкин?

▶ Давоми 4-бетда



# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

**Ўзбекистон — улкан имконият ва ресурсларга эга бўлган мамлакат. Лекин бизнинг энг катта бойлигимиз — турли миллат ва конфессиялар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликдир. Биз бундай бебаҳо бойлик билан ҳақли равишда фахрланамиз ҳамда давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини мамлакатимиздаги дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга йўналтираемиз.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ФАРЗАНДИНГМИЗ, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКISTON!

### Бошланиш 1-бетда

Республикамизда илк бор байрам қилинаётган ушбу сана муносабати билан давлатимиз раҳбари фармонига асосан бир гуруҳ ҳамюртларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари — орден ва медаллари, нишонлар билан тақдирланди.

Пойтахтимизда ана шу мукофотларни ўз эгаларига тантанали тарзда топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказларнинг вакиллари, юртимизда миллатларaro дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз тақдиф этилди. Тадбирни онлайн тарзда ҳам юртимизнинг турли ҳудудларидан кузатиш имконияти яратилди.

Президентимизнинг Халқлар дўстлиги куни муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқиб эшиттирди.

Диёримиз азалдан дўстлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, саховат муҳитига хайрихоҳлиги билан жаҳонга донг таратган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ўзарo тoтувлик, бағрикенглик муҳитини сақлаш, ижтимоий барқарорлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсатининг устувор



йўналиши сифатида эътибор қаратила бошланди. Мамлакатимизда истиқомат қиладиган турли миллат ва элт вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг таълим олиши, касб-

хунар эгаллаши, барча конституциявий ҳуқуқларини юзага чиқариши учун кенг имконият ва шароитлар яратилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги

йиллар мобайнида кўп миллатли мамлакатимизда барча фуқароларнинг манфаатларини ҳимоялаш, хорижий ва қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янгилаш асосда йўлга қўйиш,

бунда яхши қўшничилик тамойилларига таяниш, миллатлар ўртасидаги тoтувликни кўз қорачигидек асраб-авайлашда мутлақо янгилаш тизимини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида миллатларaro аҳилликни сақлаш масаласи Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, Олий Мажлис ҳамда халқимизга Мурожаатномаларида, юксак минбарлардаги нутқларида намoёндиr.

Тегишли фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатларaro муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди. Миллатларaro муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг концепцияси мазкур соҳада давлатимиз сиёсатининг мақсадлари, принциплари ва асосий йўналишларини белгилаб берувчи нуқтаи назарлар ягона тизимини ўзида мужассам этган. Ўзбекистонда миллатларaro, диний конфессияларaro дўстликни мустаҳкамлаш, ўзарo аҳил ва ҳамжиҳат муҳитни таъминлаш борасидаги амалий ишлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилмоқда.

...Тантанали musiқа янграйди. Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева миллий маданий марказларнинг вакиллари, фидойи ҳамюртларимизга Ватанимизнинг ордени ва медалларини топширди. Шунингдек, "Халқлар дўстлиги" кўкрак нишонлари ҳам топширилди.

— Мен жонажон Ўзбекистоннинг фарзанди эканимдан гоят фахрланаман, — деди "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, Республика қирғиз миллий маданий маркази раҳбари Раҳматилла Жабборов. — Мамлакатимизда барча миллат ва элт вакиллари эмин-эркин яшаши, таълим олиши, ўз иқтидорини юзага чиқариши учун зарур барча шароитнинг яратилгани бизларга мамнуният, илҳом бағишлайди.

Байрам давом этади. Турли миллат ва элт вакилларининг либослари турфа, лекин уларнинг мақсад-муддаоси ягона — табарруқ Ўзбекистонимизни фаровон, файзли, тинч, осуда, маъмур ва тараққиётга юз тутган ҳолда кўриш.

Тадбир санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерт дастури билан янада шўхули ва завқли ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Абдужаббор Абдувоҳитов иштирок этди.

**Назoқат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**



## ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган 2021 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига қўмаклашиш давлат дастурининг жорий йил 1-ярим йиллигида ижро этилиши ҳамда 9 ой якуни бўйича ижронини таъминлаш юзасидан вазирликлар, идоралар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди.

Раёсат мажлисида вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан янги иш ўринларини ташкил этишда йўл қўйилган камчиликлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда, уларни бартараф этиш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар кўриб чиқилди.

Мутасадди вазирликлар, идоралар ва ҳужалик бошқаруви органлари ва ҳокимликлар томонидан тақдим қилинган дастлабки маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида республика бўйича 209,2 мингта янги иш ўрни ташкил этилган ёки 6 ойлик прогност 132,5 фоиз бажарилган (*ўтган йилдагига нисбатан 135 фоиз ўсган*).

Шундан тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 69,5 мингта, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобига 2,5 мингта, янги рўйхатдан ўтган 37 мингта кичик корхона ва микрофирмада жами 73,5 мингта, яқна тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали 63,6 мингта иш ўрни яратилган.

Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги маъмулига йирик тармоқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 34,9 мингта янги иш ўрни яратиш белгиланиб, 36 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига 3 542 та (6 ойлик режа 150 фоиз) иш ўрни ташкил этилган.

"Навий КМК" АЖДА 1737 та, "Ўзчармсаноат" уюшмаси тизимида 115 та доимий иш жойи очилган.

2021 йилда меҳнат органлари томонидан ишсиз 513,6 минг кишига бандлик ҳизмати кўрсатиш белгиланган. Жорий йилнинг ўтган 6 ой давомида "Ягона ойна" тамойили асосида меҳнат органлари томонидан иш билан банд бўлмаган 493,2 минг шахсга бандлик хизматлари кўрсатилди.

Ишсиз, шунингдек, четга ишлаш учун кета олмаган ва қайтиб келган 183,5 минг нафар фуқаронинг меҳнат органлари йўлланмалари асосида давлат дастури доирасида яратилаётган ва бўш (вакант) доимий иш ўринларига ишга жойлаштиришга қўмаклашишга (2020 йилдагига нисбатан 15 фоиз ошган).

Шундан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган квота иш ўринларига 30,4 мингдан ортиқ шахс ишга жойлаштирилган.

Банд бўлмаган 128,6 минг аҳоли ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди ва уларнинг иш ҳақи учун 95,5 миллиард сўм маблағ тўлаб берилди.

Мажлисда Андижон, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятлари ҳокимларининг дастур ижросини таъминлаш жараёнида йўл қўйилган камчиликлари, айрим туман (шаҳар)ларда хусусий тадбиркорликни ташкил этишда сустқашлик қиладиганлари танқид остига олинди.

Раёсат мажлисида давлат дастури доирасида янги иш ўринларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш бўйича вазирлик, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари олдига турган биринчи галдаги вазирлар белгилаб берилди. Бунда қўйиладиган алоҳида эътибор қаратилди:

жорий йил якунига қадар тармоқ инвестиция лойиҳалари ҳисобига 31,3 мингта, ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 140 мингта, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари ҳисобига 4,1 мингта, янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 47,5 мингта, яқна тартибдаги тадбиркорликда 20,2 мингта иш ўрни ташкил этиш;

9 ой якуни бўйича тармоқ ҳамда ҳудудий инвестиция дастурлари киритилган 14,2 мингта лойиҳа ташаббускорлари билан учрашиб, лойиҳаларни амалга оширишда аниқланган муаммолар, банк кредитлари ажратиш, коммунал хизматлар тармоғига улашиш ва бошқа корхоналарни ишга туширишдаги тўсиқларни бартараф этиш ва 114,8 мингта иш ўрнини тўлиқ яратиш чораларини кўриш;

яратилган иш ўринлари шаффофлигини таъминлаш бўйича реал вақт режимида мониторинг қилишга мўлжалланган электрон дастур ишлаб чиқиш ва дастурни бажариш юзасидан ишча даражадаги раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан топшириқлар берилди. Кўрилган масала юзасидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисининг қарори қабул қилинди.

### ДИЛДАГИ ГАПЛАР

## БИР УМРГА ТАТИГУЛИК ҚУВОНЧ

**Инсоннинг қалбида миннатдорлик ифодаси бўлган шундай гаплар бўладики, уларни шахсан ўз эгасига айтгинг келади.**

**Ангрэн компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида таҳсил олганман. Узоқ йиллар ишсиз юрган вақтларим, мавсумий ишларда ишлаган кезларим ҳам бўлган. Ҳозир эса ҳаммаси бошқача...**

2017 йил сентябрь ойида ОКМК қошидаги Ўқув марказида касбга қайта тайёрлаш курсини муваффақиятли тугаллаб, ҳайдовчи мутахассислигини эгалладим. Аслида, биз каби ёшларни бундай шарафли корхонада ишлаб, рўзгоримизни бутлашимиз боиси давлатимиз раҳбарининг ўша йиллардаги, Олмалик кон металлургия комбинатидаги ташифи натижаси десак муболаға бўлмайдими. Ўшанда Президентимизнинг комбинат ишчи хизматчилари ва улар оиласининг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳамда юксалтиришга бўлган эътибори мен каби кўплаб олмалиқликлар ҳаётига ўзгача бир нур олиб кирди.

Касбимга меҳрим бўлакча, балки ота касбим ҳайдовчилик бўлгани учундир. Лекин бу меҳрда биз ишчиларга берилаётган эътиборнинг ҳам каттагина ҳиссаси бор. Шулар бизни руҳлантириб туради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 29 июль куни Олмалик кон-металлургия комбинати конлари негизда рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги ишлар билан танишди. Ўша куни улар билан дилдан суҳбатлашаман деб уйламаган эдим. Ўртбошимиз конга келтирилган "БелАЗ" русумли юк машиналарини кўздан кечираркан, менинг бошқарувимдаги "БелАЗ-75307" автомобили ёнига келиб, "Қани бунинг ҳайдовчиси", дедилар. Била-сизми, Президентимиз мен билан дилдан суҳбатлашди. Бу техника қандай бошқарилиши билан қизиқди. Мен, "БелАЗ"да ҳайдовчи учун барча қулайликлар, жумладан компьютер назорати, кондиционер ва бошқа бир қатор техник устунликлар мавжудлигини ҳаяжон билан гапириб бердим. Қисқа суҳбат давомида ойллик маошим, яшаш шароитим билан ҳам қизиқди. Шу кезде уларнинг саволларида ҳар бир фуқарого бўлган юксак меҳр, ғамхўрлик ифодаси яқол сезилиб турарди. Мана шу оталарча самимий нигоҳ — фарзандларга бўлган муҳаббат ифодаси бир умрга қалбимдан жой олди.

Мен шу касб, меҳнатим ортидан уй-жойга, энгил автомашинага эга бўлганимни фахр билан сўзлаб бердим. Давлатимиз раҳбари хурсанд бўлиб, "Мана шундай меҳнатинг учун раҳмат! Садоқат билан хизмат қилгани учун раҳмат! Янги Ўзбекистонда сенга



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

ўхшаган йигитларни кўрсам, бошлаган ишларимиз муваффақиятидан мамнун бўлам

ман" дея руҳлантирди. Бу суҳбат менга жуда катта куч бағишлади, бошим осмонга етди. Оддий ҳайдовчи бўлиб ҳам ўзимни энг бахтли инсон ҳис қиламан. Бир кун келиб оиламдан, касбимдан, мамлакатимизда олиб борилаётган ўзгаришлардан мамнунлигимни шахсан давлатимиз раҳбарига айтаман, уларнинг раҳматларини эшитаман деб уйламагандим.

Отам ҳам худди шу соҳада ўттиз беш йил ҳайдовчилик қилган. Ҳар куни ишга кетишимда дуо қилиб, касбимга садоқат билан ишлашимни, берилган имкониятлардан унгли фойдаланишимни насихат қилади. Президентимиз билан учрашганимни айтаганимда кўзларига ёш келди.

Албатта, ишимизнинг ўзига яраша қўйинчиликлари ҳам бор. Шундай баҳайбат юк машинасини бошқариш анча масъулият талаб қилади. Қолаверса, кунлик режани бажариш ҳам осон эмас. Лекин ишимиз ўзга юртларда қора меҳнат қилиб, оиласини соғиниб яшадан минг

марта афзал. Қувонарлик, маошимиз яхши, қўшимча равишда озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, дам олиш, даволаниш масканлари учун ҳам имтиёзли йўлланмалар берилди. Мана шу энгилликлар ҳақида гапирсам, баъзан одамлар ишонмайди. Бунинг бари ҳақиқат.

Муҳтарам Президентимиз ташрифиди, "Ёшлик-1" қони қурилишига тамал тошини қўйиб бергани бизга гурур бағишлади. Юқорида фақатгина ўз эгасига айтиладиган туйғулар, миннатдорлик ифодалари бўлади дедим. Мен ҳам кон-металлургия соҳаси ривожига қаратилаётган эътибор ҳаётимни ўзгартаришга сабаб бўлгани, севимли касбимнинг ютуқлари учун давлатимиз раҳбарига раҳмат айтишини дилимга туғиб қўйгандай ва мана шундай бахтга эришдим. Бу учрашув, меҳрли суҳбат менга шу қадар куч, қувонч бағишладики, бу бутун умрга татийди.

**Азиз ЮСУПОВ,**  
**Олмалик кон-металлургия комбинати ҳайдовчиси**





# ДАВРАМИЗГА КИТОБНИНГ ҚАЙТГАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН

## Ўшунда бировнинг боласини бировнинг отаси тарбияламасин

**Иқтисодий камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишлар олиб боряпмиз. Лекин маънавий қашшоқликни қандай қисқартирамиз? Фикр қарамлигидан қандай қутуламиз? Ислохотлар учун маблағ ва инновацияларни топяпмиз. Лекин маънавий иммунитетни мустақкамлаш учун руҳий ресурсларни қардан топамиз?**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

### БУГУННИНГ ГАПИ

### Руҳият тарбиячиси

#### Муҳаббат ҲАМИДОВА, Ўзбекистон Ёзувчилар юшмаси аъзоси

Мамлакатимиз раҳбарининг қуночлик билан айтган бу фикрларида назарда тутилган руҳий ресурс — шубҳасиз китобдир. Зеро, давлатимиз етакчиси томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг асосий йўналишларидан бири ҳам китобхонлик маданиятини шакллантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида мутлоқан оммалаштиришга бағишлангани бежиз эмас.

Руҳиятнинг энг ишончли тарбиячиси, бу — китоб. Ўзбекистонда «Уткан кунлар» романида Отабекнинг Тошкентдан уйланишини эшитган Қумуш йиллаб уйга киради. Бу пайтда Отабек Фузулийни мутлоқлаб қилиб утирилади. «Фузулий яхши китоб, мен ҳам сиқилганимда уни ўқийман», дейди Қумуш кўз ёшларини беркитиб.

Болаларимиз қадим-қадимдан китоб маънавият калити, тафаккур қаноти эканлигини жуда яхши англаган. Уzun қиш кечаларида Беҳлихонлик, Фузулийхонлик, Машрабхонлик қилишган. Ҳар бир шеър, газалдан маъно дурларини теришган.



Дарҳақиқат, инсон кашф қилган сақинчи муъжиза бўлмиш китоб тафаккурни ўстирувчи асосий омилдир. У одамзодга дунёга теранроқ қарашни, яхсини ёмондан, оқни қорадан, ҳақни ноҳақдан ажратишни ўргатади. Ўқувчисига дўст бўлади. Тарбиялайди. Лекин бугун турмуш ташвишлари, техника тараққиёти туфайли катта-ю кичик китоб ўқишга унча зарурат сезмай қолган пайтда фарзандларимиз қалбида китобга меҳр уйғота оlishга қодирми? Узимиз ҳозир китоб ўқийми? Ота-оналарда китобхонлик малакаси етарлими?

### Бир ўқувчига 1,2 дона китоб...

Таҳсиллар бугун мактабларда мавжуд бадий адабиётларни ўқувчилар сонига тақсимлаганда, бир ўқувчига 1,2 дона китоб, мавжуд ўн мингта мактаб кутубхонасига 0,3 дона болалар газета-журнали тўғри келар экан. Ваҳоланки, ҳалқаро таълим стандарти меъёрларига қўра, умумтаълим мактабларида ҳар бир ўқувчига 9 донадан бадий адабиёт тўғри келиши белгиланган.

Халқимизнинг севимли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, болалар адабиётга йўл болалар наشرларидан бошланади. Чунки азиздан «Гулхан» ва «Гунча» журналлари болалар ёзувчи-шоирларнинг ижод минбари бўлиб келган. Уларнинг хали сиёҳи қурмаган асарлари илк бор шу наشرларда бўлажақ китобхонларга тақдим этилган. Журналда бадий асар ўқиш, баҳолаш кўникмасини ҳосил қилган бола келажақда зйрак, зукко китобхонга айланади!

### ЗАМОНДОШ

## “КЎЗНИ ЮМГИЛ, КЎЗГА АЙЛАНСИН КЎНГИЛ”

#### Зулхумор ХОЛМАНОВА, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори

**Буюк мутафаккирнинг бу мазмундор сатрлари ҳаммага яхши таниш. Кўзга айланган кўнгиллар ҳақида биласизми? Биласиз! Ўқигансиз, кўргансиз ёки ўзингизда синагансиз. Мен ўзим билганим — “кўзга айланган бир кўнгил” ҳақида сўз юритмоқчиман.**

Мунаввара Қурбонова. Бу исм-фамилия илм аҳли ҳаёлида болалар нутқи, психология, социология, прагматика бўйича мутахассис сиймасини жонлантиради. Талабалар шуурида имконияти чекланган бўлишига қарамай, пухта ишланган тақдиротлар билан дарс ўтади, мавзунини қизиқарли ва қулай усуллар билан тингловчиға етказадиган моҳир педагог сийрати намён бўлади. Ҳаммаслақлар ўз касбининг фидоисини, интизомли, берилган вазифа, топшириқларни ўз вақтида адо этадиган масъулиятли шахсини англайди. Кўни-қўшиллар, маҳалла-қўй қадди басти келишган, қоп-қора кўзлари сизни қўриб тургандай тасаввур уйғотадиган тийрак, гўзал қизни тасаввур қилади.

У кўзи оғир болалар мактабини имтиёзли ғувоҳнома билан тамомлаб, республика

илм соҳасидаги ютуқлари учун у Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиб бўлди. Номдор стипендиант сифатида “Лингвистика (Ўзбек тили)” магистратура мутахассислигига имтиёзли равишда қабул қилинди. Болалар нутқиға оид мақолалар ёза бошлади.

Ёш изланувчи шу кунга қадар маънавий-маърифий соҳадаги хизматлари, тинимсиз илмий изланишлари натижасида кўплаб ютуқларга эришди. Республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадалари, илмий ишлар ҳамда инновацион гўяларга асосланган лойиҳалар таниловлари фойдасига, қатор номдор стипендиялар, мукофотлар совридорли бўлди. “Ўзбек болалар нутқи лексикасининг социопсихологиястик тадқиқи” мавзусидаги диссертациясини мuddатидан аввал ёқлаб, филология фанлари номдоғи илмий даражасига сазовор бўлди ва ўзбек олимлари сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Ёш олима 2010 йилда БМТ Тараққиёт дастурининг кўзи оғирлар учун мулкжалланган “Компьютер саводхонлиги” курси ҳамда кўзи оғирлар учун JAWS дастури асосида компьютер саводхонлиги бўйича фаолият қўрсатаётган ўқитувчилар малакасини ошириш курсини муваффақиятли тамомлаб, сертификатлар билан тақдирланди.



“Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминоти яратиш” давлат амалий гранти лойиҳасини амалга ошириш орқали Ўзбекистонда кўзи оғирлар таълимини ривожлантиришга қўшган муносиб хиссаси ҳамда кўзи оғир инсонларнинг компьютер саводхонлигини оширишга қаратилган фаолияти учун тақдирланди.

### Даврамизга китобнинг қайтганлиги рост бўлсин

Мақолани туғатиш арафасида турганимда набирам Фирдавс хонамга югуриб кирди.

— Бувижон, бугун ўртоғим Ақобирнинг туғилган кунин экан. Нима совға қиламан? — деди у ҳаяжон билан.

— Кеча амакинги олиб келган футбол тўпини бера қол. Ахир сенда учта тўп бор-ку, — дедим набирамни ташвишдан қутқариш учун.

— Бувижон бўлмайди, синфдошларимиз билан келишиб унга ҳар хил эртак китоблар совға қилмоқчимиз, — деди у бош чайқаб. — Бундан кейин ўртоқлар бир-биримизга китоб совға қиламиз. Чунки энг яхши совға китоб экан, устозимиз айтди, — деди

у дона-дона қилиб. Бу янгиликдан қувониб кетдим. Дарҳол, китоб жавонимдаги ўзимнинг “Кокилли илон”, Кавсар Турдиеваннинг “Тоғишмоқлар” китобини узатдим.

— Раҳмат, бувижон, бу китобингизни мен ҳам жуда яхши қўраман, ўртоғимга ҳам ёқад, — деди у кўзлари чакнаб.

Набирамнинг шодлиги менга ҳам кўчди. — Илоҳим, дўстларга китоб совға қилиш, китобга, китоб ўқишга меҳр болаларимиз қалбига қайтгани рост бўлсин. Биз, ёзувчилар уларга маъқул бўладиган қизиқарли китоблар ёзиб чарчамайлик, — деб ниёт қилдим.

### Ўзбек болалар адабиёти уйқудами?

Бунга ким айбдор? Наҳотки, болаларнинг ўзбек халқининг ёзувчи, шоирлари фарзандлари, набирамлари тарбиясини уймамаётган, уларнинг ўй-қизиқилариға бефарқ қараётган ёки камолотига остида жангиларверарди. Тўғриси, шу шеърли эртак ҳанузгача ёдимдан чиқмаган.

Бу китоб туфайли мен Ҳамид Олимжон асарларининг мухлисига айландим. Адабиётга ошно бўлдим. Дадам бозорга кетаётганда, китоб олиб келишини тайинлайдиган бўлдим. Қишлоғимизга яқин Шўртпеда (ҳозирги Луначарское) каттақон китоб дукони бўларди. Бу ер мен учун муъжизадай туюларди. Чунки у ерда расмли, рангли эртак китоблар шу қадар кўп эдики... Дадамга албатта улардан олдирардим. Ўқувчи бўлганга, нафақат мактаб кутубхонасига балки сиёсий мавзудаги китоблар тўлиб-тошган қолхозимизнинг хашаматли кутубхонасига ҳам аёзо бўлдим. Ҳар гал у ерга кирганимда кутубхоначи Бухожар опадан ёшимга мос китоб танлаб беришини илтимос қилар эдим. Бугунги кун тили билан айтганда, менда шу тариқа мутлоқа маданияти шаклланиб борди. Афсус, ҳозир бу кутубхона йўқ бўлиб кетган.

Киши китоб ўқийётганда, айниқса, болалар китобдаги воқеалардан ўзини қидиради, ўзини ёқадиган, таниш воқеаларни тоғиси келади. Ўзбек адабиётини қизиқиб ўқиб қалбида бадий адабиётга нисбатан муҳаббат уйғонган ўқувчига аста-секин чет эл адабиётига қизиқа бошлайди. Акс ҳолда, уни зуриб ҳам китоб ўқишга мажбур қила олмайдими. Хўш, бугун мактаб кутубхоналарида ўшандай ўзгирганимиз, ахлоқ-одобимизни, кадрларимизнинг акс эттирадиган, оддий китобхон асар воқеалари ичидан ўзини топа оладиган бадий асарлар етарлими?

Маънавий ҳам моддий бойлик билан ўчқайдиган учар тадбиркорлар чет эл адабиёти намуналарини ўзбекчага шошпа-пиша ўғириб, савдога олиб чиқди.

Китобнинг дизайни, чиройли расмларини қўрган ота-оналар уларни сотиб ола бошлади. Бу ҳақда яна Худойберди ака ўринли эътироз билдирган эди: “Хорижий адабиётнинг ҳатто эртакларида ҳам ишқ-муҳаббат ҳаяжон билан тасвирланган бу китоблардан ёш китобхон қандай ибрат олади? У болаларимиз тарбиясида биз кутган натижани берадими? Қолаверса, бу бировнинг боласини бировнинг отаси тарбиялагандай гап-ку. Биланмасдан айтиш мумкин, бугун мамлакатимиздаги барча наشريётларда болалар учун ёзилган ўнлаб, юзлаб насрий асарлар навабати кўриб ётибди.

Илгиримани асрининг сўнги йилларида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев болалар кенгашининг йилги ишларида “Болтиқбўйи давлатларида битта болага тўртта бадий китоб, бизда эса тўртта болага битта китоб тўғри келади. Буннақада болаларимиз дунёқарашини қандай шакллантирамиз, тафаккурини қандай ўстирамиз”, дердилар куйиб-пишиб. Кейинчалик бу ҳолат ҳам ҳолва экани сезилиб қолди.

Маънавий ҳам моддий бойлик билан ўчқайдиган учар тадбиркорлар чет эл адабиёти намуналарини ўзбекчага шошпа-пиша ўғириб, савдога олиб чиқди.

“Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб” танловини ўтказиш йўлга қўйилади”, деган жумлаларида қўрқиб, англадики, кўнгилимиз тоғдек кўтарилади.

Маърузани тўлиқ ўқиб чиқар эканмиз, ундаги фикрлардан болалар учун ёритилиши керак мавзуларни ҳам аниқлаб олдик. Ёзадиган асарларимиз мавзуси мамлакатимиз раҳбарининг “... уйлантирадиган, ташвишга соладиган яна бир долзарб масала бу — ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, маданият савияси, бир сўз билан айтганда, тарбияси...” шаклланишига хизмат қилиши керак. Улар ўқувчи қалбини забот этиб, болаларимизни нафақат китобга қайтарсин, балки ўзликни англашига, кадрларимизни кадрлашга ҳам хизмат қилсин. Ана шунда машҳурликка, омуначи йилгиға, қолаверса, бойлик кетидан қувувчи, ота-она назоратидан ташқарига чиқиб, Алишер Навоий, Амир Темур, мотамсар она ҳайкали қошида номосиб ҳаракатлар қилиб, ўзини намоийш қилувчи бетарбия тик-тоқчи ёшлар эмас, миллиятини бағишланган маърузасидаги “Фарзандларимизга мулкжалланган бадий адабиётларни кўпайтириш ва уларнинг муаллифларини рағбатлантириш мақсадида

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”  
газеталари таҳририяти ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайд.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида сақлалади.

Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” М-ЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2434.

76851 нусхада босилди.

**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова  
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбўточилар кўчаси, 32-уй